



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

УДК: 615.03:616.36-002(075)

ИНФЕКЦИОН КАСАЛЛИКЛАР ЗАМИНИДА ЮЗАГА КЕЛГАН ЖИГАР ЦИРРОЗИ БИЛАН ҲАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ГЕПАТОПРОТЕКТОРЛАРНИНГ КЛИНИК-ФАРМАКОЛОГИК ТАҲЛИЛИ



Бекчанова Юлдузхон Хайитбаевна

Урганч давлат тиббиёт институти, Урганч шаҳри, Ўзбекистон
Фармакология ва клинк фармакология кафедраси катта ўқитувчиси,
PhD

E-mail: bekchanovayulduz80@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0004-5187-0679>



Атабойев Тожибой Рустамович

Урганч давлат тиббиёт институти, Урганч шаҳри, Ўзбекистон
Фармакология ва клинк фармакология кафедраси ассистенти
tojiboyataboyev0@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0004-5093-7245>

Аннотация. Хоразм вилоятидаги тиббиёт бирлашмаларида инфекцион гепатобилиар тизим касалликлари билан даволанган 239 нафар беморнинг касаллик тарихи ретроспектив тарзда фармакоэпидемиологик усуллар бўйича ўрганилди. Ўрганиш мақсадида анкетага Ўзбекистоннинг амалий тиббиётида кенг ишлатилаётган 36 номдаги гепатопротекторлар киритилди.

Ўрганишлар натижаида маълум бўлдики, инфекцион гепатобилиар тизим касалликлари фармакотерапияси патологик жараённинг ифодаланганлигига нисбатан адекват ва дунёда тан олинган гастроэнтрологлар уюшмаси кўрсатмаларига мос тарзда амалга оширилган. Жигар касалликларини даволашда шифокорлар гепатопротекторларни алоҳида ёки комбинирланган шаклда қўллаганлар.

Калит сўзлар: Сурункали вирусли гепатит, Гепатобилиар тизим касалликлари, фармакоэпидемиология, гепатопротекторлар, клиник фармакологик таҳлил.

КЛИНИКО-ФАРМАКОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ГЕПАТОПРОТЕКТОРОВ, ИСПОЛЬЗОВАННЫХ У БОЛЬНЫХ С ЦИРРОЗОМ ПЕЧЕНИ, ВОЗНИКШИМ НА ФОНЕ ИНФЕКЦИОННЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ

Бекчанова Ю.Х.¹, Атабайев Т.Р.²

Ургенчский государственный медицинский институт, г. Ургенч, Узбекистан



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Аннотация. В данном исследовании ретроспективно изучен медицинский анамнез 239 пациентов, проходивших лечение по поводу инфекционных заболеваний гепатобилиарной системы в медицинских учреждениях Хорезмской области, с использованием фармакоэпидемиологических методов. Для целей исследования в анкету были включены 36 гепатопротекторов, широко используемых в практической медицине Узбекистана.

В результате исследования было установлено, что фармакотерапия инфекционных заболеваний гепатобилиарной системы адекватна тяжести патологического процесса и проводится в соответствии с рекомендациями всемирно известной ассоциации гастроэнтерологов. При лечении заболеваний печени врачи применяли гепатопротекторы отдельно или в комбинации.

Ключевые слова: Хронический вирусный гепатит, заболевания гепатобилиарной системы, фармакоэпидемиология, гепатопротекторы, клинико-фармакологический анализ.

CLINICAL-PHARMACOLOGICAL ANALYSIS OF HEPATOPROTECTORS USED IN PATIENTS WITH LIVER CIRRHOSIS ARISING FROM INFECTIOUS DISEASES

Bekchanova Y.Kh.¹, Atabayev T.R.²

Urgench State Medical Institute, Urgench, Uzbekistan

Abstract. This study retrospectively examined the medical histories of 239 patients treated for infectious hepatobiliary diseases in medical facilities in the Khorezm region using pharmacoepidemiological methods. For the purposes of the study, 36 hepatoprotectors widely used in practical medicine in Uzbekistan were included in the questionnaire.

The study found that pharmacotherapy for infectious hepatobiliary diseases is adequate for the severity of the pathological process and is carried out in accordance with the recommendations of the world-renowned association of gastroenterologists. Physicians used hepatoprotectors alone or in combination when treating liver diseases.

Keywords: Chronic viral hepatitis, hepatobiliary diseases, pharmacoepidemiology, hepatoprotectors, clinical pharmacological analysis.

Кириш. Жаҳонда сурункали вирусли ва вирусли бўлмаган, алкоғолли ва ноалкоғолли гепатит ҳамда ЖЦ ни эрта ташхислаш ва даволашда юқори самарадорликка эришиш бўйича қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. ЖСК, жумладан, ЖЦ нинг асоратлари ва нохуш оқибатларининг тарқалишини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сурункали вирусли ва вирусли бўлмаган ҳамда алкоғолли ва ноалкоғолли гепатитни, ЖЦ нинг фибротик жараёнларини эрта ташхислаш ва самарали даволаш ЖСК оқибатларининг олдини олишнинг асосий муаммоларидан бирига айланди.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ЖСК, шу жумладан улар асосида шаклланган ЖЦ билан касалланиш, тарқалиш ва аниқланиш даражаси бўйича статистик маълумотлар аниқланган. Баъзи нашрларда Ўзбекистон Республикаси учун ҳам тегишли маълумотлар келтирилган (Даминов Т.А., 2002, Орифхужаев Ф.А., 2012) бўлиб, уларда вирусли гепатитнинг А, В, С типлари инфекциялари тарқалиши жиҳатидан Ўзбекистон гиперэндемик минтақа сифатида кўриб чиқилган.



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Сурункали С вирусли гепатити (СВГ) қарийиб 26 фоиз ҳолларда цирроз нинг сабабчиси бўлиб, ҳозирда АҚШ да сурункаси СВГ инфекциясига чалинган инсонлар сони 2,7-3,9 миллион кишини ташкил этмоқда. Олимларнинг тахмин қилишларича, СВГ билан боғлиқ бўлган ЖЦ билан касалланганлар сони кейинги 20 йил ичида икки бараварга кўпайиши мумкин [10, 11,12].

Ҳозирда, катор муаллифларнинг фикрига кўра [3, 7, 8, 9], гепатобилиар тизим касалликларини комплекс даволашда ишлатиладиган фармакологик воситалар салмоғи жуда кенг бўлиб, уларнинг номлари мингдан ошади. Ҳозирда, этиотроп вирусга қарши кимёвий препаратларга қарши кўрсатмалар ва ноҳуш реакциялар юзага чиққанда, клиник амалиётда “терапевтик альтернатива” сифатида ишлатилиши мумкин бўлган самарали ва хавфсиз воситалар сифатида янги гепатопротекторларни излаш ва амалиётга татбиқ этиш долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади [1, 2, 5].

Бугунги кунга келиб сурункали гепатит С ни даволашда катта тажрибага эга бўлишимизга қарамай, мазкур инфекция билан боғлиқ бўлган қуйидаги жиддий муаммолар мавжуд: кўпинча сурункали турига ўтиб кетиши, узоқ вақт давомида бирор бир белгиларсиз кечиши, касалликнинг охири босқичларида (жигар циррозига) манифестацияланиши, аниқ ассоциацияланиши билан гепатоцеллюляр карциномаларнинг ривожланиши [6, 7]. Сурункали гепатит С инфекцияси – жигарда фиброзлар ҳосил бўлиш жараёнини тезлаштириш хоссасига эга бўлиб, 20-45% беморларда 20-30 йилдан кейин жигар циррози ҳамда 5-15% беморларда гепатоцеллюляр карциномалар ҳосил бўлишига олиб келади [8].

Маълумки, гепатопротекторларнинг таъсири охир-оқибат жигарнинг патоген омиллар таъсирига чидамлилигини оширишга, унинг функционал фаоллигини меъёрлаштиришга ва аъзодаги репаратив-регенератив жараёнларни кучайтириш қаратилган [4,6].

Аммо, таҳлил қилинган адабиётларда жигар касалликларини даволашда қўлланилаётган гепатопротекторларнинг фармакоэпидемиологияси умуман таҳлил этилмаганлиги маълум бўлди. Шуларга асосланган ҳолда мазкур илмий изланишда жигар циррози билан стационар шароитда даволанган беморларда қўлланилган гепатопротекторларнинг клиник-фармакологик аудити ўтказилмоқда.

Материал ва услублар. Хоразм вилоятининг айрим стационарларида 2005-2015 йиллар давомида жигар касалликлари билан ҳасталанган беморларнинг касаллик тарихларидан анкета усулида зарур бўлган маълумотлар ретроспектив тарзда фармакоэпидемиологик усуллар билан ўрганилди. Олинган маълумотлар Стьюдент критерийлари бўйича статистик жиҳатдан ҳисоблаб чиқилди.

Натижалар ва таҳлили. 239 нафар жигар циррози билан касалланган беморларнинг касаллик тарихлари анамнезларига кўра таҳлил қилинганида қуйидаги маълумотлар олинди. Беморлар жинси бўйича ажратиладиган бўлса, аёллар 123 нафар (51,5%), эркаклар эса 116 нафардан (48,5%) иборат экан. Ёши бўйича эса 18-40 ёшдагилар 56 нафар (23%), 41-60 ёшдагилар 138 нафар (59%), 61 ва ундан катта ёшдаги беморлар 45 нафар (18%) ни ташкил қилди. Беморларни яшаш жойи бўйича таҳлил қилинганда, шаҳарда яшовчилар 78 нафарни (32,6%), қишлоқда яшовчилар эса 161 нафарни (67,4%) ташкил қилар эканлар. Уларнинг маълумотларига кўра– олий маълумотлилар 8 нафар (3,4%), ўрта махсус 98 нафар (41%), ўрта 133 (55,6%) ташкил қилади. Уларнинг касаллик давомийлигини бўйича:1 йилдан 5



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

йилгача касалланганлар 67 нафар (28%), 5 йилдан 10 йилгача касалланганлар 90 нафар (38%) ва 10 йилдан ортиқ касалланганлар 82 нафарни (34%) ташкил қилиши маълум бўлди. 235 нафар (98%) беморда дориларга аллергия кузатилмаган, 4 нафарида (2%) эса кузатилган. (жадвал 1).

Жигар циррози билан касалланганларнинг ёш бўйича тахлили

Беморларни ёши	18-40 ёш	41-60 ёш	61-85 ёш
	56 нафар (23%)	138 нафар (59%)	45 нафар (18%)

Илмий иш учун ажратиб олинган 36 та препаратдан 16 таси беморларда умуман қўлланилмаган. Ишлатилган гепатопротекторлар алоҳида ва ўзаро комбинация ҳолида қўлланилган. 239 нафар беморнинг 15 нафарида (6,2%) бирорта ҳам гепатопротектор қўлланилмаган, 58 нафарида (24,3%) битта препарат, 72 нафарида (30,1%) иккита препарат, 61 нафарида (25,5%) учта препарат, 30 нафарида (12,6%) тўртта препарат ҳамда 3 нафарида (1,3%) бешта препарат комбинация ҳолида қўлланилган (Расим 1)



Расм-1. Ўрганилаётган гепатопротекторлар комбинацияси.

Даволаш жараёнида қўлланилган гепатопротекторларнинг ишлатилиш частотаси ўрганилганда, 16 турдаги гепатопротектор 239 нафар беморда 526 марта қўлланилганлиги ва бу ҳолатда ҳар бир беморга 2,2 донa препаратдан тўғри келганлиги аниқланди. Шулардан Эссенциале препарати – 161 нафар беморда қўлланилган бўлиб, қўлланилиши бўйича 1-ўринда (30,6%) эканлиги маълум бўлди. Рибоксин препарати 128 нафар беморда қўлланилган бўлиб, 2-ўринда (24,3%)%, Урсосан препарати 59 нафар беморда – 3- ўринда (11,2%), Тиотриозалин препарати 54 нафар беморда – 4- ўринда (10,3%), Карсил препарати 38 нафар беморда – 5- ўринда (7,2%), Апкасул препарати 21 нафар беморда – 6-ўринда (4,0%), Гепамерц препарати 19 нафар беморда – 7-ўринда (3,6%), Гептрал препарати 10 нафар




URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026


14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

беморда – 8-ўринда (2 %), Сирепар препарати 9 нафар беморда – 9- ўринда (1,7%), Лив-52 ва Эссел форте препаратларининг ҳар бири 8 нафар беморда – 10-ўринда (ҳар бири 1,5% дан, жами 3,0%), Бонжигар препарати 6 нафар беморда – 11-ўринда (1,1%), Липоат кислотаси 2 нафар беморда – 12-ўринда (0,4%), Фосфоглив, Резалют ва Сибектан препаратлари ҳар бири 1 нафар беморда – 13 ўринда қўлланилган (ҳар бири 0,2% дан, жами 0,6%) (Расим 2).



Расм-2. Беморларда ишлатилган гепатопротекторларнинг қўлланилиш частотаси

Олинган натижалар асосида хулоса қилиб айтиш мумкинки, жигар циррози учраш частотаси бўйича аёлларда эркакларга нисбатан юқори экан. Касаллик учрашини беморларнинг ёши бўйича ўрганилганда 40-60 ёшдагиларда 40 ёшгача ва 60 ёшдан катталарга қараганда кўп учраши аниқланганлиги мазкур касалликнинг дастлабки босқичларда белгиларсиз кечиши ҳамда беморларнинг шифокорга кечикиб мурожаат қилишлари туфайли уларни эрта аниқлаш имкониятини камайтирган бўлиши, шунингдек, 60 ёшдан катталарда кам учраши эса касалликнинг асоратлари кўпчилик ҳолатларда ўлим билан яқунланиши билан боғлиқ деган хулоса чиқаришга ундайди.



Расм-3. Беморлардани яшаш жойига кўра нисбати

Шунингдек, шаҳарда яшовчи беморлар сони қишлоқдагилардан икки баробар камлиги қишлоқларда яшовчи беморларнинг шаҳардагиларга нисбатан тиббий маданиятининг етарли эмаслиги ёки ўзига бўлган эътиборнинг камлиги ва шу сабабли қишлоқ врачлик пунктларига ёки қишлоқ оилавий поликлиникаларига камдан-кам, оғир ҳолатлардагина мурожаат қилишларидан далолат беради.

Хулоса.

1. Хоразм вилоятида жигар циррози билан касалланиш даражаси эркакларга қараганда аёлларда юқори экан.

2. Жигар циррозининг учраш частотаси шаҳарлик беморларда қишлоқда яшовчиларга нисбатан икки баробар кам экан.

3. Жигар циррозини даволашда қўлланилган гепатопротекторлар ўзаро комбинирланган ҳолатда ишлатилганда улар нисбатан юқори самарадорликка эга экан.

Адабиётлар

1. Бекчанова Ю.Х. Гепатобиллиар тизим касалликлари билан даволанган беморларда қўлланилган гепатопротекторларнинг клиник фармакологик тахлили // Ўзбекистон тиббиёт журнали. 2017, № 4, Б.35-38.

2. Бекчанова Ю.Х. Хоразм вилоятининг айрим шифохоналарида жигар циррози билан даволанган беморларда қўлланилган гепатопротекторларнинг фармакоэкономикаси // Журнал-гепато-гастроэнтерологических исследований 2020/3(1том) Б.16-19.

3. Белоусов Ю.Б., Ханина Н.Ю. Подходы к выбору дозы лекарственных препаратов у пациентов с циррозом печени. // Фарматека. - 2006. -1 (116). – С.76-84.

4. Григорьев П.Я., Яковенко А.В. Клиническая гастроэнтерология // Медицинское информационное агентство. - Москва, 1998. - 647 с.

5. Ивашкин В.Т., Буеверов А.О. Настоящее и будущее клинической гепатологии. // Болезни органов пищеварения (для специалистов и врачей общей практики): библиотека РМЖ. 2002. - Т. 4- №1.- С.13-15.

6. Клинические рекомендации по диагностике и лечению неалкогольной жировой болезни печени / Ивашкин В.Т., Маевская М.В., Павлов Ч.С. и др//Российский журнал гастроэнтерологии, гепатологии, колопроктологии. 2016;26 (2):24-42.



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

- 7.Никитин И.Г. Гепатопротекторы: мифы и реальные возможности // Фарматека-2007 С.191 - 197.
- 8.Оковитый С.В. Шуленин С.Н. Клиническая фармакология гепатопротекторов // Expert Rev Gastroenterol Hepatol. 2016;10 (4):517–36.
- 9.Ряженев В.В. Фармаэкономический анализ применения противовирусных препаратов хронических гепатитов В. // Жур.инф.бол. (Москва) 2011. № 3. С.21-25.
- 10.Семенов А.В. Останкова Ю.В. Оккультный (скрытый) гепатит В: проблемы лабораторной диагностики. // Инфекционные болезни: Том 8, № 3, 2019 С.61-69.
- 11.Maasoumy B., Wedemeyer H. Natural history of acute and chronic hepatitis C. Best Pract Res Clin // Gastroenterol. 2012; Vol. 26 (4):401-12.
- 12.Poordad F., Dieterich D. Treating hepatitis C: current standard of care and emerging direct-acting antiviral agents. // J Viral Hepat. 2012; Vol. 19 (7):449-64.